Янги авлод тўқимачилик материаллари классик схемада: тола ишлаб чиқариш (табиий, кимёвий) – йигириш (ип) – тўқиш (тўқиш, мато бўлмаган материалларни ишлаб чиқариш) – кимёвий якуний пардозлаш. Ушбу технологик занжирда тола, тўқимачилик, кийим, турли босқич ва турли бирикмаларда янги хусусиятли техник буюмларни олиш учун материал хоссасига таъсир кўрсатувчи нано-, био-, ва ахборот технологиялари кўшилади. Яъни классик тўқимачилик технологик занжир нано-, био- ва ахборот технологиялари кўшиладиган мажбурий ишлаб чиқариш платформаси бўлиб қолади. Нафақат табиий толалар, балки кимёвий тола ва ипга асосланган инновацион тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган Ўзбекистон учун илмий тадқиқ қилинган, жумладан, нано даражадаги кимёвий технологияларни ривожлантириш долзарб бўлиб қолмоқда, ушбу йўналишлар билан бир қаторда Ўзбекистонда аллақачон фундаментал ва илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Инновацион маҳсулотларни юқори технологиялар тўпламини қамраб олган технологик базисли кластерлар ёрдамида яратиш мумкин. Жаҳон тажрибасини ўрганиш тўқимачилик кластерларини яратишнинг босқичли жараёнини белгилаш имконини берди: *Худуд салоҳиятини ва кластер яратиш имкониятини баҳолаш*: худуддаги вазиятни ўрганиш ва инфратузилмалар, меҳнат ресурслари, хом-ашё, инвестиция, инновация ва хоказолар мавжудлигини баҳолаш; *Сиёсат таҳлили*: амалдаги қонунчилик таҳлили; *Кластер сиёсати дизайни*: салоҳиятли иштирокчи ва шерикларни аниқлаш; *Кластер сиёсатини жорий этиш/амалга ошириш*: кластерни ташкилий ривожлантириш (кластерни ривожлантириш марказини ташкил этиш), инфратузилма ва унинг базаси худудини ривожлантириш; *мониторинг ва баҳолаш*: кластер сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолаш, улар билан боғлиқ алоҳида тўсиқларни ва уларни бартараф этишга йўналтирилган асосий ечимларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг “Ўзбекистонда тўқимачилик технологик цикллари ва кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ҳамда шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида тўқимачилик цикллари ривожлантириш ва янги тўқимачилик кластерларини шакллантириш омилларини таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг услубий ёндашувлари, тўқимачилик технологик цикллар самарадорлигини баҳолаш услуби, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари камайтириш ва қайта ишланган тўқимачилик кластерда шакллантиришда хом-ашё улушини ошириш йўллари ишлаб чиқилган. Тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш ҳажмини хом-ашёни чуқур қайта ишлаш ва тайёр буюмларни сотиш орқали сезиларли ошириш мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, пахта тўқимачилиги ишлаб чиқариш занжирида қўшилган қийматнинг энг катта ўсиши тайёр трикотаж ва кийим кечак тикиш соҳасига тўғри келади. Шундай қилиб, ички бозорда 1 кг пахта толаси 1,28 АҚШ долларини ташкил этса,

ундан тайёрланган кийим-кечаклар ўртача 12 доллар, трикотаж маҳсулотлари эса тахминан 1,5 долларни ташкил этади.<sup>27</sup>( 2-жадвал).

**2 -жадвал.**

**Енгил саноатда қўшилган қийматни ташкил этиш занжири<sup>28</sup>**

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқариш ҳажми	Ўртача нарх, маҳсулот сўм бирлигида	Маҳсулот нархи, минг.сўм	Пахта толаси нархининг ошиш даражаси, марта
1. пахта хом-ашёси	кг	500	х	х	х
2. пахта толаси	кг	347	14000	4858	1
3. пахтали ип	кг	308,6	20400	6295	1,3
4. тайёр бўялган 85 фоизли пахтали газлама	кв.м	1700	4500	7650	1,6
4.1.1 кв.м газламага 210 гр ип кетган, тайёр бўялган пахтали мато	кв.м	1728,8	6500	11237,2	2,3
4.2 1 та кўйлакка 1,6 кв.м мато ишлатилган аёллар кўйлаги .	шт.	1080	30288,6	32711	6,7
5. Трикотаж мато	м	1295	7000	9065	1,9
5.1. эркаклар футболкаси	кг	310	29000	8990	1,9

Ўзбекистон тўқимачилик соҳасининг ўзига хослиги тармоқда бирламчи тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг устунлиги ва хом-ашёни қайта ишлашнинг паст даражаси ҳисобланади. Хом-ашёни чуқур қайта ишлашнинг афзаллиги ва Ўзбекистон дунёда пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 6-ўрин ва унинг экспорти бўйича 3-ўринда бўлишига қарамай, мамлакатда пахта толаси<sup>29</sup> ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 65 фоиздан камроқ миқдори истеъмол қилинади, бу эса соҳа ривожланиши учун улкан салоҳият мавжудлигини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг жаҳон пахта ишлаб чиқаришидаги улуши 4 фоизни ташкил этади, унинг жаҳон пахтали иплар ишлаб чиқаришдаги улуши 1 фоиздан камроқ. Мато ва газлама, тайёр трикотаж ва кийим-кечак ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам жуда кам, чунки ишлаб чиқарилган ипнинг фақат 50% ички истеъмол учун ишлатилади.

Пахта калава иплари ташқи бозорда тўқимачилик маҳсулотлари орасида энг кўп талабга эга. Унинг тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги

<sup>27</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йилучунмаълумотлари.

<sup>28</sup>Ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳақиқатда ишлаб чиқарилган пахта матолари ва трикотаж матолари учун зарур пахта толаси меъёрлари бўйича амалга оширилди.

<sup>29</sup><http://ru.sputniknews-uz.com/economy/20151007/670835.html#ixzz46YWm3C2>

улуши 2020 йилда 47,0% ни ташкил этди. 2015 йил билан таққослаганда трикотаж кийимларнинг умумий экспорт таркибидаги ўрни сезиларли даражада ўсди, сяэни 9,6% дан 19,2% гача. (Жадвал 3)

### 3-жадвал

#### Тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги таркибий ўзгаришлар, % да

	2010 й.	2015 й.	2020 й. (кутил иши).	2025 г (прогноз)	2025 йилгача таркибий ўзгаришлар		
					2010 йилдан	2015 йилдан	2020 йилдан
<b>Тўқимачилик маҳсулотлари</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>
Ип калава	51	51,6	47	25	-26	-26,6	-22
Трикотаж мато	4	7	10,1	12	8	5	1,9
Ипак маҳсулоти	15,4	11,6	3,4	3,2	-12,2	-8,4	-0,2
Вата, нотўқима мато	16,2	9,8	4	5	-11,2	-4,8	1
Гилам маҳсулотлари	0,2	2,2	4,1	7	6,8	4,8	2,9
Трикотаж кийим	9,6	13,4	19,2	32	22,4	18,6	12,8
Тикувчилик маҳсулотлари	2,5	2,9	10,1	12,2	9,7	9,3	2,1
Пайпоқ маҳсулотлари	1,1	1,5	2,1	3,6	2,5	2,1	1,5

Буларнинг барчаси тўқимачилик саноатидаги технологик циклни яхшилаш заруратини кўрсатади. Технологик цикл самарадорлиги куйидагиларда намоён бўлади: ишлаб чиқариш жараёни. Иш ўринлари ва ҳоказоларни техник ҳамда технологик янгилаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш;

ишлаб чиқариш циклини қисқартириш ҳисобига айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш; маҳсулот таннархини пасайтириш.

Шу ердан асосий вазифа – тармоқ ва уни қўллаб-қувватловчи инфратузилмаларни кластер ёндашувларидан фойдаланган ҳолда модернизация қилиш, тўқимачилик ишлаб чиқариш техника ва технологияси, шунингдек, нанотехнология ва наномаҳсулотлар соҳасида энг яхши жаҳон ва маҳаллий ютуқлардан кенг фойдаланиш келиб чиқади. Республикада соҳанинг технологик қолоқлиги саноат фани ривожланишидаги қолоқлик билан боғлиқ. Илмий ташкилотлар тажриба базаларини ривожлантириш учун етарли маблағга эга эмас (замонавий ускуналар, лабораториявий ва тажриба анжомлари ва ҳоказо), бу эса илмий ишланмалар самарадорлигини пасайтиради. Шу билан бирга етакчи хорижий мамлакатлар Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (ИТТКИ) молиялаш ва тажриба базасини ривожлантириш учун маҳсулот айланмасининг 5-7 фоизини тикади. Бу уларга фанда юқори ютуқларга изчил эришиш, ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини ва жаҳон бозори талабларига мос товар рақобатбардошлилигини ошириш имконини беради. Ишларни ташкил этиш ва технологик жараёнларни назорат қилиш даражаси хорижий илғор корхоналардан сезиларли даражада ортда қолмоқда. Натижада, саноатда ишлаб чиқариш меҳнат ҳажми анча юқори бўлади, буюртмаларни бажариш давомийлиги эса янада кўпроқ.

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар экспертлари (ОЭСР) тавсияларини ўрганиш асосида, диссертация доирасида Ўзбекистонда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун тўқимачилик кластерларини шакллантириш имкониятларини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Ушбу кўрсаткичлар инновацион кластерларни шакллантириш идентификациясининг турли мезонлари бўйича фарқланади (4-жадвал).

**4-жадвал.**

**Ўзбекистонда янги тўқимачилик кластерларини шакллантириш имкониятини баҳолаш кўрсаткичлари<sup>30</sup>**

Индикаторлар	Кўрсаткичлар	мавжуд/мос равишда (+), йўқ (-)	Изоҳ
Кластер сиёсати мавжудлиги	Норматив-ҳуқуқий база	+	14.12.2017 йилдаги ПФ-5285 25.01.2018 йилдаги 53-сонли ВМК
	Кластер ривожланиш стратегияси вадасурлари	+	
Кластернинг салоҳиятли аъзолари	Йирик корхоналар сони	+	31
	Йирик ва кичик корхоналар нисбати	-	100% дан 2%
	Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сони	+	900 корхона (60% )
	Юқори технологияли ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони	-	3
Илмий ва таълимий салоҳият	Давлатнинг НИОКР учун харажатлари (ЯИМда)	-	2-4% ЯИМ ривожланган давлатларда, Ўзбекистонда 0,1%
	Корхоналарнинг НИОКРга харажатлари ва илмий ташкилотлар олий ўқув муассасалари билан ҳамкорлик	-	121,7 млрд. сўм.миқдордаги 11 та лойиҳа
	Патент фаоллиги	-	2018йил. 1031, тўқимачилик 29 патент
	Иқтисодиётда илмий ходимлар сони	+	Жами 38 минг олий таълим ходими (28,1 минг киши) ва илмий тадқиқот муассасалари (8,0 минг киши), шунингдек 1,9 минг. докторант.
Қулай иш муҳити	Солиқ, молия, институционал ва инфратузилма муҳити ҳолати	+/-	DoingBusinessда рейтинг: солиқ солиш-64, молия-60, инфратузилма-35
	Саноат/корхонанинг инвестицион фаоллиги	+	2018 йилда 432,4 млн долларлик 60 та лойиҳа. Улардан 340,3 таси тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига.
Инфратузилма ва инновациялар	Бизнес-инкубатор, венчурфондлар сони	+	1 Корея-Ўзбекистон тўқимачилик технопарк
	АКТдан фойдаланадиган корхоналар улуши	-	25%

Самарали тўқимачилик кластерларини шакллантириш учун, биринчи навбатда, тўқимачилик маҳсулотларининг технологик цикли самарадорлигини баҳолаш зарур, асосан:

- юқори сифатли табиий хом-ашёдан фойдаланиш самарадорлиги (қобиқсиз уруғдан фойдаланиш харажатларини тежаш ҳисоб-китоби (Э) қобиқсиз юқори маҳсулдор уруғдан етиштирилган пахта хом-ашё ишлаб чиқариш харажатлари ва ўралган ўртача ҳосилдор уруғдан пахта хом-ашё етиштириш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

<sup>30</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

$$\text{Э} = (\text{Цон} \times \text{Ронс}) \times \text{Онп} - (\text{Цог} \times \text{Рогс}) \times \text{Онп}, \text{ бу ерда}$$

Э – қобиксиз уруғлардан фойдаланиш харажатларини тежаш;

Цон – ўралган пахта уруғи нархи;

Цог – қобиксиз пахта уруғи нархи;

Онп – экин майдони ҳажми;

Ронс – 1 гектар учун ўралган уруғ харажатлари;

Рогс – 1 гектар учун қобиксиз уруғ харажатлари

- тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сунъий толалардан фойдаланиш самарадорлиги;

$$\text{Э} = (\text{Цхв} \times \text{Рсм}) \times \text{Онп} - (\text{Цсм} \times \text{Рхв}) \times \text{Онп}, \text{ где}$$

Э – сунъий тола харажатларини тежаш;

Цхв – пахта ипи нархи;

Цсм – аралаш ип нархи;

Онп – экин майдонлари ҳажми;

Рхв – 1 кг пахтали ип учун пахта толаси харажати;

Рсм – 1 кг аралаш ип учун пахта толаси харажати;

- инвестицион ва инновацион фаолият интенсивлигини ошириш, қайта ишлашнинг янада юқори даражаси билан маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш ҳисобига экспорт тушумини кўпайтириш. Кластер корхоналарнинг жиҳозларини янгилаш учун инвестицияга бўлган талаб ва харажатларни қоплаш муддатини ҳисоблаш 5-жадвалда кўрсатилган.

**5-жадвал.**

### Инвестицияларга бўлган талабни ҳисоблаш ва чиқимларни қоплаш муддатини белгилаш

Кўрсаткичлар	Кластер корхоналари жиҳозларини янгилаш учун инвестициялар, млн.долл.	даромад, млн. сўм	даромад, млн.долл.	Харажатларни қоплаш муддати, йил (йиллик даромадга инвестиция нисбати)
<b>1. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш</b>	<b>10,0</b>	<b>4200</b>	<b>0,5</b>	<b>х</b>
жумладан:				
Уруғшунослик хўжалиги	2,5	1,8	0,15	х
Пахта экиш хўжалиги	7,5	8,2	0,35	Х
<b>2. саноат ишлаб чиқариш</b>	<b>90</b>	<b>17858,2</b>	<b>12,4</b>	
жумладан:				
Пахта тозалаш корхоналари	10,0	6216,7	0,7	14
Йиғириш корхоналари	20,0	8627,8	1,6	12
йиғириш (ПЭФ) корхоналари	20	9526,4	1,9	10
Тўқимачилик корхоналари	20	2544,2	2,5	8
Бўёқли ишлаб чиқариш	15	350,8	2,7	6
Тикувчилик корхоналари	15,0	118,1	3	4,6
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>17868,0</b>	<b>12,9</b>	<b>8,7</b>


**Диссертациянинг “Ривожланишнинг инновацион моделига ўтиш шароитида тўқимачилик саноатини чуқур таркибий ўзгартиришнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида тармоқлараро балансдан фойдаланиб иқтисодиёт ва саноатнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ ҳолда тўқимачилик цикллари ривожлантириш учун услубий ёндашувлар, ҳар бир тўқимачилик технологик циклнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усули ҳамда тўқимачилик саноати диверсификацияси даражасини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган.

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда тўқимачилик кластерини яратишда тўқимачилик ва тикувчилик саноатида тармоқлараро ва худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш кўриб чиқилган. Ушбу кластерда нефт кимёвий мажмуа ва кимёвий саноатни қамраб олиш ягона технологик занжирни шакллантириш, кимёвий тола ва ипдан фойдаланишга асосланган янги рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини яратишни белгилайди.

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш мавжуд тармоқлараро ишлаб чиқариш алоқалари асосида амалга оширилади. Соҳалараро муносабат бўғини пахта тозалаш саноати бўлиб, уни пахта етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш ўртасида боғловчи элемент деб аташ мумкин. Ўзбекистон сертификатлаштириш маркази пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларини сертификатлаштириш ишларини амалга оширади. Қайта ишлаш билан бир қаторда кластернинг ипак тўқимачилик ва гилам ишлаб чиқариш, трикотаж ишлаб чиқариш, тикувчилик, пайпоқ буюмлари, тайёр газлама ва бошқа кластер элементлари ривожланмоқда. Тўқимачилик кластерининг якуний бўғини мамлакатнинг миллий анъаналари ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда замонавий кийим моделларини ишлаб чиқиш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини ташқи маиший бозорларга, масалан, дизайнерлик марказларига кенг тарғиб қилиш тизимини келтириш мумкин.

3-расмда тўқимачилик кластерининг салоҳиятли аъзоларининг ўзаро муносабатлари кўрсатилган.

Ривожланиш самарадорлигига эришиш учун тармоқлараро баланс орқали тармоқлараро муносабатларни баҳолашни қўллаш билан маҳаллий саноат учун мумкин бўлган технологик ва таркибий ўзгаришларнинг йўналишлари тадқиқ қилинди. Мультипликатив натижалар яқин соҳаларда импульс шаклида, кейин эса бутун иқтисодиётда тўқимачилик ва енгил саноатнинг асосий капиталида инвестицияларни ошиши билан ҳисобланади. Ўз навбатида, ялпи ишлаб чиқаришнинг ортиши мос равишда даромад: солиқ, маош, фойда ошиши билан кузатилади ва давлат, бизнес ҳамда аҳолининг охиргиталаби ўсишида қайта тақсимланади ва ўзгаради.



3-расм. Тўқимачилик технологик цикли ва кластернинг мантиқий тузилиши<sup>31</sup>

“Инвестициялар мультипликатори” механизми шундан иборатки, муайян соҳага инвестиция киритиш унда ишлаб чиқариш ва бандликни оширади. Бунинг натижасида истеъмол товарларига талаб қўшимча кенгайди, бу эса ишлаб чиқариш воситаларига талабни тақдим этадиган тегишли соҳаларда уларнинг ишлаб чиқарилишини кенгайтиради. “Леонтьев модели” ҳисоб-китобидан келиб чиқиб енгил саноатнинг Ўзбекистон иқтисодиёти бошқа соҳаларига таъсир мультипликаторлари ҳисоблаб чиқилди. Масалан, енгил саноат соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш 1 млн сўмга ошса, кимёвий ва нефткимёвий саноат соҳасини 107 минг сўмга ўсишига олиб келади. ( $M=1 \text{ млн.сўм} * 0,107735=107,7 \text{ минг сўм}$ ). Енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 млн сўмга ошиши қишлоқ хўжалиги соҳасининг 824 минг сўмга ўсишига олиб келади, савдо хизматлари – 232 мингсўм. автомобилсозлик – 137 мингсўм ва ҳоказо.

Республикада тўқимачилик саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасидаги соҳалараро алоқаларнинг ҳозирги ҳолати асосан жаҳон амалиётида кенг тарқалган кластер механизми моделини акс эттиради. Фарқи кластернинг муайян соҳа аъзоларининг бир-бирлари билан қанчалик кучли ва кучсиз муносабатларидадир. Масалан, маҳаллий кимё саноати энг яқин муносабатдаги 10таликка кирса ҳам тўқимачилик соҳаси

<sup>31</sup>Манба: муаллиф томонидан тузилган.

билан заиф муносабатда. Бунинг сабаларидан бири сифатли бўёқлар ва кимёвий эритмалар, шунингдек, аралаш газламаларни яратиш учун кимёвий толалар хом-ашёсини минимал ишлаб чиқариш ва максимал импорт қилиш билан боғлиқ. Тўқимачилик кластерини шакллантириш ва тўқимачилик корхоналарини нефт ва газ мажмуи корхоналари билан интеграциялаш кимёвий толадан маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш учун шароит яратиш ва маҳсулотнинг янги турини – полиэфир ва уларни пардозлаш технологиясини киритиш орқали маиший ва техник фойдаланишни ўзлаштиришни талаб этади. Қўшилган қиймат улуши юқори бўлган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш қуйидагиларга ёрдам беради:

Қайта ишлаб ишлаб чиқариш тузилмасида тўқимачилик саноати улушини ошириш; кимёвий толалардан фойдаланиш асосида тайёрланган маҳсулотлар экспортнинг ўсиши; янги иш ўринларини яратиш; барча даражадаги бюджетларга солиқ тушумларини ошириш. Иқтисодийнинг бошқа тармоқлари ҳам тўқимачилик маҳсулотларини истеъмол қилади. Бу ерда саноатнинг ўзи маҳсулотнинг кўп қисмини истеъмол қилади (37,4%), шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (25,5%), транспорт хизматларига (3.1%) мўлжалланган (5-жадвал).

**5-жадвал.**

**Тўқимачилик маҳсулотларини иқтисодий тармоқлари бўйича истеъмол қилиш<sup>32</sup>**

Иқтисодий тармоқлари	2000 й.	2011й.	2018й.	Ўзгаришлар (+,-), п.п. 2000-2018йилларда.
Енгилсаноат маҳсулотлари	74,9	71,7	37,4	-37,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, к/х хизмати	6,1	6,4	25,5	+19,4
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш маҳсулотлари	4,3	4,9	4,2	-0,1
Озиқ-овқат ва микробиологик саноат маҳсулотлари	3,3	3,7	5,7	+2,4
Транспорт хизмати	3,2	3,4	3,1	-0,1
Бошқарув хизматлари	2,5	3,2	0,1	-2,4
Савдо хизмати, жамоатчилик озиқ-овқати ва воситачилик фаолияти, жумладан товардан фойдаланиш учун воситачилик нархи	1,7	1,9	7,2	+5,5
Кимёвий ва нефт кимёвий саноат маҳсулотлари	0,9	0,8	3,3	+2,4
Бошқа саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари	0,6	0,7	0,1	-0,5
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноат маҳсулотлари	0,4	0,4	0,9	+0,5
Халқ таълими хизматлари	0,3	0,3	0,4	+0,1

Тармоқларо муносабатлар нисбатан барқарор бўлганда ишлаб чиқаришнинг соҳаларо баланси ва маҳсулотларнинг диссертация тадқиқотида тақсимланиши иқтисодийда мультипликатив натижалар кўламини баҳолаш, тўқимачилик ва енгил саноатнинг қисқа ҳамда ўрта муддатли истиқболда ривожланишини прогнозлашда восита сифатида фойдаланилди. Узоқ вақт оралиғида иқтисодийга мультипликатив таъсирни баҳолаш учун динамик соҳаларо моделдан фойдаланилди. Олиб борилган ҳисоб-китоблар технологик цикл ва тўқимачилик кластерларини

<sup>32</sup>Муаллиф томонидан 2018 йил учун Давлат статистика қўмитаси базасидаги маълумотлар асосида тайёрланди.

такомиллаштириш бўйича прогноз ва таклифлар (механизмлар) ишлаб чиқиш имконини берди.


Енгил саноатни ривожлантириш истиқболлари белгиланган узоқ ва ўрта муддатли мамлакат иқтисодини ривожлантириш мақсадига, айнан саноатнинг паст моддий ва энергия ҳажмли қайта ишловчи тармоқлари ривожланишини жадаллаштиришга йўналтирилган иқтисодиётнинг самарали инновацион-йўналтирилган тузилишини яратиш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга боғлиқ.

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан тўқимачилик саноатини барқарор ривожлантириш, пахта тозалаш, тўқимачилик ва бошқа корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлашга қаратилган қатор дастурлари қабул қилинган.

### **Инновацион омилларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш истиқболлари**

<b>Қисқа муддатли истиқболда</b>	<b>Ўрта муддатли истиқболда</b>	<b>Узоқ муддатли истиқболда</b>
<p>-Кластерлар ва технопаркларни такомиллаштириш, тўқимачилик ва кийим-кечак саноатини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инфратузилмани ривожлантириш.</p> <p>- Йирик бренд маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар билан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун узоқ муддатли шартнома имзолаш.</p> <p>-Синтетик материалларнинг технологик занжирини куриш (полиэфир, вискоз ва полиамид толалар ишлаб чиқаришдан то техник тўқимачилик ва бошқа синтетик матолар ишлаб чиқаришгача). Маҳаллийлаштириш бўйича пилот лойиҳаларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>- Илм-фанни ривожлантириш, технологик жиҳатдан кенг корхоналарни яратиш, қўшимча қийматнинг катта улуши бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт ўрнинибосиш (импорт товарлар ички ишлаб чиқариш товарлари билан алмаштириш туфайли қўшилган қийматнинг ўсиши) ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш</p> <p>- Ишлаб чиқаришнинг технологик қисмини автоматлаштириш учун янги авлод тикув машиналаридан фойдаланиш.</p>	<p>- Инновацион технологияларни жорий этиш, био, нано-ахборот технологиялари асосида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш,</p> <p>- кимёвий толадан маҳсулотлар экспортини ўстириш.</p> <p>- «Uztextile» ягона ёрлиғи билан юқори сифатли маҳсулотлар экспортини таъминлаш.</p> <p>- Тўқимачилик саноатига нанотехнологияларни жорий этиш.</p> <p>- Кадрлар сони ва уларнинг касбий-малакавий тузилмасини оптималлаштириш.</p>


### **Натижалар:**



**5-расм. Инновацион омилни ҳисобга олган ҳолда тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш модели<sup>33</sup>**

<sup>33</sup>Муаллифнинг ишланмалари асосида тузилган.

Узоқ муддатли истиқболда инновацион омилларни ҳисобга олган ҳолда, тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш моделини амалга ошириш юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хом ашё таннархини пасайтирадиган илғор технологияларни жорий этиш орқали соҳанинг жадал ўсиш суръатларига эришишга имкон беради. Бунинг учун биз учта прогноз сценарийсини туздик, яъни: консерватив прогноз, инновацион прогноз ва форсир прогноз параметрлари келажакда тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг янада самарали усулини аниқлашга имкон беради. (6 -расм.)



**6- расм. Тўқимачилик саноатининг 2025 йилгача прогнолаш сценарийлари (Умумий ишлаб чиқаришдаги улуш 100%)**

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини модернизация, диверсификация қилиш ва жадал ривожлантириш, пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш орқали ташқи бозорларида талаб қилинадиган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтиришга йўналтирилган тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш бўйича 2017-2019 йилларга<sup>34</sup> мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Тўқимачилик саноатини ўрта муддатли истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари инновацион маҳсулот турларини: сунъий толалардан буюмлар, ўзига хос хусусиятли техник тўқимачилик ва ҳоказо ишлаб чиқаришга босқичма-босқич ўтиш билан истеъмолчилар учун тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга қаратилади.

Аҳолининг қимматбаҳо хусусиятларга эга (чидамли ва и гигроскопик, шакли сақланадиган, сув ўтказмайдиган, яхши ювиладиган, кам кирланадиган) комплексли мато ва буюмларга талабининг ошиши мамлакатда юқори инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда янги конструкция ва дизайнларни ишлаб чиқаришни оширишни талаб этади.

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2687-сонли қарори.

## ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. ЕИда давлат даражасида кластер сиёсатини амалга оширишнинг ягона концепцияси иқтисодиётнинг устувор соҳаларини кластерлаш жараёни билан кенг қамраб олишга олиб келди, бу эса етакчи Европа давлатлари рақобатбардошлиги ва инновацион ривожлантиришни оширишда восита бўлди. Тўқимачилик соҳасида олтинчи технологик тизим контурлари, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг тармоқни кластерлаш бўйича тажрибаларини ўрганиш кимёвий тола ва иплардан фойдаланиш асосида янги рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ягона технологик занжирни шакллантириш бўйича Ўзбекистон учун хулосалар қилиш имконини берди.

2. Ўзбекистон 2030 йилга қадар саноати ривожланган давлатга айланишни ва юқори ўртача даромадли мамлакатлар қаторига киришни вазифа қилиб белгилаган, бу эса саноатнинг сермашаққат тармоқларига урғу бериб, мамлакатнинг таркибий ўзгариши ва инновацион ривожланишини талаб қилади (тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва ҳоказо). Узоқ муддатли истиқболда таркибий ўзгаришлар ва тўқимачилик ҳамда енгил саноатни ривожлантириш прогнозларихом-ашёни чуқур қайта ишлашни ошириш ва тайёр ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланди. Бундай ёндашув кластерларни шакллантириш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг тўқимачилик технологик циклини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда тармоқлараро таҳлил ва енгил саноат ривожланишини прогнозлашни белгилайди. МОБ ёрдамида тармоқлар (саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаси) ривожланишининг умуман иқтисодиётга ва хусусан, енгил саноатга таъсири (0,2%), шунингдек, тўқимачилик ва енгил саноат ривожининг иқтисодиёт ва унинг тармоқларига таъсири (саноатга (14%), қишлоқ хўжалиги (25,5%) ва хизматлар соҳасига (7,6%) ўрганилди. Ушбу муносабатларни миқдорий баҳолаш иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва давлат сиёсати чоратадбирлари учун прогноз параметрларини ишлаб чиқиш имконини берди.

3. Тўқимачилик саноати кўп тармоқли ишлаб чиқариш мажмуаси бўлиб, тармоқда бирламчи тўқимачилик ишлаб чиқариш устунлиги ва хом-ашёни паст даражада қайта ишлаш ўзига хос хусусияти ҳисобланади. 2005-2018 йиллардаги тенденциялар қуйидагиларни кўрсатди: а) енгил саноатда маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг роли секин-аста ўсиб бормоқда (53%); б) таркибий ўзгаришлар ва саноатда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш тайёр маҳсулотлар улуши ошишида тўқимачилик ва тикувчилик саноати экспорт таркибида пахта толаси улушини камайтиришга имкон берди. Шу билан бирга, мавжуд тизим муаммолари (техник ва технологик қоқоқлик, инновацион ва инвестициявий фаолиятнинг паст даражаси, заиф институционал муҳит ва кадрлар муаммоси) саноат

маҳсулотларининг рақобатбардошлилигига ва мамлакатнинг жаҳон тўқимачилик бозоридаги мавқеига таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат кластер ёндашувларни қўллаган ҳолда инновацион ривожланиш асосида саноатни ва унинг инфратузилмаларини қўллаб-қувватловчи сифатли модернизациялашни, тўқимачилик, тикувчилик ва пойабзал ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси соҳасида энг яхши жаҳон ва маҳаллий ютуқлардан, шунингдек, нанотехнология ва наномаҳсулотлардан кенг фойдаланишни талаб этади.

4. Тўқимачилик саноати технологик циклининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари ва имкониятлари юқори сифатли табиий хом-ашё сунъий толадан олинган хом-ашёлардан фойдаланиш мисолида ўрганилди. Тўқимачилик саноатининг технологик цикли самарадорлиги қўйидаги кетма-кетликда баҳоланди: а) кобиксиз уруғдан фойдаланиш харажатларидан юқори маҳсулдор навли уруғлардан фойдаланиш тежимкорлигини ҳисоблаш орқали юқори сифатли табиий хом-ашёдан фойдаланиш самарадорлиги (1 Га ерда даромад 25600 сўмга ошди); б) тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сунъий толадан фойдаланиш самарадорлиги (сунъий тола ишлаб чиқаришда 1 кг учун даромад 18 минг сўм); в) замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришнинг моддий интенсивлигини камайтириш мақсадида тўқимачилик-саноат кластерларини шакллантириш ҳисобига технологик цикл самарадорлиги; г) инвестицион ва инновацион фаолият жадаллиги, қайта ишлашнинг юқори даражаси билан маҳсулот эксперти ҳажмини ошириш ҳисобига экспорт тушумини ҳисоблаш (100 тонна пахта толасига даромад 2302,9 минг долларга ошиши).

5. Тўқимачилик кластерини яратиш шароитида ишлаб чиқаришнинг моддий истеъмолини камайтириш самарадорлигини ҳисоблаш икки вариантга асосланган: асосий (хом-ашё муайян харажатларининг мавжуд параметрларида) ва оптимал (йўқотишларни камайтирадиган ва кластер ишлаб чиқариш бўйича хом-ашё харажатларини қисқартиришни таъминлайдиган параметрларда). Бунинг самараси корхоналар томонидан хом-ашё харажатларини қисқартирадиган ва бунинг асосида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни таъминлайдиган ресурсларни тежайдиган технологиялар кластеридан фойдаланиш орқали кўзда тутилган. Кластер даромадининг эҳтимолли ошишини аниқлаш учун кластернинг ҳар бир бўлимидаги ошган даромад ва умумий натижа ҳисобланди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг моддий истеъмолини камайтириш ҳисобига кластер даромадининг ялпи ўсиши; экспорт самарадорлиги ва экспорт тушуми ортиши; қайта ишланган хом-ашё улуши ошиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми, даромад ва экспорт тушуми ўсиши; бир вақтнинг ўзида иккита омил натижаси: ишлаб чиқаришнинг моддий истеъмоли камайиши ва қайта ишланган хом-ашё улуши ортиши ва ҳоказолар ҳисобланди. Олиб борилган

ҳисоб-китоблар кмпстер аҳзолари ўртасида янги муносабатларни ўрнатиш бўйича таклифларни (механизмлар) ишлаб чиқиш имконини берди.

6. Тўқимачилик ва енгил саноатнинг глобал ишлаб чиқарилишида етакчи мамлакатларнинг таҳлили ўтказилди ва ташқи бозор ҳамда салоҳиятли шериклар талабини аниқлаш мақсадида экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар турлари ўрганилди. Юқори ривожланган мамлакатларда енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш юқори технология, инновация ва сифатли дизайн. Юқори даражадаги мода маҳсулотлари ва техник жиҳатдан мураккаб ҳамда махсус тўқимачиликка асосланган юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги аниқланди. Сўнгги 10 йил ичида Ўзбекистон енгил саноати маҳсулотларининг экспорти ошди, энг аввало, гилам ва гилам буюмлари (жами тўқимачилик буюмлари экспортининг 4 фоизи), пайпоқ буюмлари, тикувчилик-тўқимачилик кийимлари (50%) ва тўқимачилик газламалари (12%) экспорти тезкор ўсди. Тўқимачилик ва енгил саноатининг рақобатбардошлиги ҳамда инновацион маҳсулотларининг паст даражаси Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида паст мавқеини ва ўрта ҳамда узоқ муддатли истиқболда чора-тадбирлар, механизмлар ишлаб чиқариш заруратини кўрсатади.

7. Ўзбекистон саноати ва иқтисодиётини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболлари нуқтаи назаридан саноат ишлаб чиқаришининг барқарор юқори самарали ўсишини таъминлашда ресурсларни тежовчи ҳамда инновацион омилларни кучайтириш ва паст моддий-энергия истеъмолли қайта ишлайдиган тармоқларни жадал ривожлантириш асосида шакллантириладиган тузилмаларга ўтиш орқали эришилди. Бунинг учун ўрта муддатли истиқболда “маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, шунингдек, юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни ишлаш чиқариш ҳажми ва номеклатурасини кенгайтириш”ни босқичма-босқич ошириш ҳисобига ички захиралар ва имкониятлардан фойдаланиш зарур. Узоқ муддатли истиқболда енгил саноат рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли, тиббиёт ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун илмий тадқиқ қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш инновацион омилни ҳисобга олган ҳолда, яъни жадал сифатли ўзгаришлар – прогрессив ускуналар ҳамда инновацион технологиялар, янги товарлар ва наномаҳсулотлар, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, экспорт ўсиши ҳисобига ривожланиш моделига ёрдам беради.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 AT THE TASHKENT STATE TECHNICAL  
UNIVERSITY**

---

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS**

**KARIMOV SANJAR MIRVOSITOVICH**

**IMPROVING THE STRUCTURAL TRANSFORMATIONS OF THE  
TEXTILE INDUSTRY IN THE CONDITIONS OF INNOVATIVE  
DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN**

**08.00.03- Economic industry**

**PhD DISERTATION ABSTRACT ON ECONOMIC SCIENCES**

**Tashkent – 2020**

**The theme of the doctoral dissertation (PhD) was registered under number №B2017.1.PhD/Iqt2 in the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.**

The doctoral dissertation has been prepared in the Tashkent state technical University.

The abstract of dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, and English (synopsis)) on the website (www.tdtu.uz) and on the website «ZiyoNet» information and educational portal (www.ziynet.uz).

**Scientific supervisor:** **Nasirxodjayeva Dilafruz Sabitxanovna**  
Doctor of economic science

**Official reviewers:** **Ikramov Murat Akromovich**  
Doctor of economic science, professor

**Gaibnazarova Zumrat Talatovna**  
Doctor of Philosophy in economics, Associate professor

**Leading organization:** **Tashkent state institute of textile and light industry**

The defence of the dissertation will take place on \_\_\_\_\_ «\_\_\_», 2020 at \_\_\_\_\_ at the meeting of the Scientific Council № DSc03/30.12.2019.I.03.05 at the Tashkent state Technical University. Address: 100099, Tashkent city, Universitetskaya street, 46. Tel.: (+998 71) 246-46-00; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)

The dissertation of doctor of philosophy can be reviewed at the Information resource centre of the Tashkent state Technical University (registered under number \_\_\_\_\_). Address: 10097, Tashkent city, Universitetskaya street, 46. Tel.: (+998 71) 246-46-00.

The abstract of dissertation sent out on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020.  
(mailing report № \_\_\_\_\_ on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020).

**T.Z. Teshabayev**

Chairman of the scientific council for Awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

**G.J. Allayeva**

Scientific secretary of the scientific council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

**M.A. Makhkamova**

Chairman of the scientific Seminar under the council for awarding scientific degrees, Doctor of Economic Sciences, Professor

## **INTRODUCTION (abstract of the dissertation of the philosophy (PhD))**

**The aim of the research** is the develop of scientific and methodological approaches and practical recommendations for the formation of effective structural transformations in the textile industry in the context of modernization of the industrial sector and the transition of Uzbekistan to innovative and industrial development.

**The tasks of the research work are:**

to consider the concept of technological structures and priority directions for the transition to the fifth and sixth technological systems in relation to the textile industry;

to study the state and prospects of the world and regional markets for textile products;

conduct a retrospective analysis of the dynamics and development trends of the textile industry and assess the state of integration of textile and light industry with other sectors of the economy;

to develop approaches and evaluate the effectiveness of existing textile technological cycles;

to improve approaches and evaluate the effectiveness of reducing the material consumption of production and increasing the share of processed raw materials in the conditions of creating a textile cluster;

to develop forecasts for the development of the textile industry for the long term, taking into account the formation of effective textile technological cycles and clusters in conditions of innovative development.

**The object of the research** is the textile enterprises that are part of the Uztekstilprom Association and the UztexGroup enterprise network.

**The subject of the research** is the socio-economic relations in the process of structural transformations taking place at the meso- and micro level.

**The scientific novelty of the research is as follows:**

the necessity of increasing production efficiency based on the creation of a full-fledged textile cluster cycle, as well as the localization of the production of synthetic fibers;

the methodology for determining the effectiveness of textile technological cycles, including the calculation of the efficiency of the technological cycle from the use of high-quality cotton seeds, as well as the use of synthetic fibers, has been improved;

long-term forecast parameters of additional GDP growth have been developed based on an assessment of the accelerating effect of textile exports on economic growth;

forecasts of medium and long-term development of the textile industry have been developed taking into account risk prevention in the production process and ensuring the compatibility of natural and chemical fibers in the product structure.

**Implementation of research results.** Recommendations on increasing production efficiency through the creation of a full-fledged textile cluster cycle, as well as localizing the production of synthetic fibers in the industry, were implemented at CertusTextile LLC (act on the introduction of the Uztekstilprom Association No. DM-10 dated August 2, 2019). Due to the implementation of these recommendations at the enterprise, production costs were reduced by 10%.

the critical point of reducing the quality of textile products when replacing expensive fibers with cheaper ones is justified in order to reduce production costs, recommendations for improving the enterprise management system based on WFMS (WorkFlowManagementSystem) were introduced at CertusTextile LLC (act on introduction of the Uztekstilprom Association No. DM -10 of August 2, 2019). Due to the implementation of the recommendations, the net profit of the enterprise increased by 14.5 million soums;

recommendations based on evaluating the accelerating effect of textile exports on the economic growth of the enterprise, as well as on improving the competitive vertical integration strategy aimed at creating a competitive environment, were implemented at CertusTextile LLC (act on the introduction of the Uztekstilprom Association No. DM-10 of 2 August 2019). When introducing the technology of the “Trickler” system compared to the “Riter” system, production costs decreased by 205100 soums for every 1000 kg, product profitability increased by 3.1%;

recommendations taking into account the prevention of risks in the production of products and the compatibility of natural and chemical fibers in the product structure were implemented at the enterprise Jamastyle LLC (act on the introduction of the Uztekstilprom Association No. DM - 10 of August 2, 2019). As a result, the prediction reached an efficiency of 3.9 million soums compared to the previous year (2018), and the company's net profit in the II quarter of 2019 increased by 8.5% compared to the same period in 2018.

**Publication of research results.** On the dissertation topic, 21 articles were published in scientific journals recommended by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan for the publication of the main scientific results of doctoral dissertations (including 4 abroad).

**The outline of the thesis.** The dissertation consists of an introduction, three chapters, conclusion, list of references and applications. The volume of the dissertation is 167 pages.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**THE LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I бўлим (I часть; part I)**

1. Каримов С.М. Подходы к формированию эффективных текстильных технологичных циклов и кластеров в условиях инновационного развития// Материалы IX Форума экономистов «Пути и механизмы дальнейшего развития и либерализации экономики в свете реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан» 2017, с.135-140 (08.00.03; №11).

2. Каримов С.М. Кластерная модель текстильной промышленности // Рынок, деньги и кредит. 2013, № 2. с. 57-60 (08.00.03; №11).

3. Каримов С.М. Региональные текстильные кластеры: новые экономические и социальные возможности для Узбекистана // Рынок, деньги и кредит, 2013, № 12. с.27-34 (08.00.03; №10).

4. Каримов С.М. Состояние и кластерный потенциал развития легкой промышленности Узбекистана // Материалы XV Международной научной конференции «Проблемы прогнозирования и государственного регулирования социально-экономического развития», г. Минск, 23-24 октября 2014г. с.174-175 (08.00.03; №14).

5. Каримов С.М. Перспективы развития шелковой промышленности Узбекистана // Рынок, деньги, кредит, 2012, № 2. с.40-44 (08.00.03; №3).

6. Каримов С.М. Иқтисодийти модернизация қилиш шароитида енгил саноатнинг ривожланиши// Биржа Эксперт, 2012, № 3. с.12-15 (08.00.03; №5).

7. Каримов С.М. Региональные текстильные кластеры: новые экономические и социальные возможности для Узбекистана // Материалы V Форума экономистов "Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития". Т.: IFMR, 2013. с.486-490 (08.00.03; №29).

8. Каримов С.М. Кластерные стратегии и возможности их использования в Узбекистане // Материалы III Форума молодых ученых-экономистов «Научные основы мобилизации резервов роста и модернизации экономики». Т.: IFMR, 2014. с.202-206 (08.00.03; №3).

**II часть (II бўлим, part II)**

9. Каримов С.М. Further modernization and competitiveness enhancement of the industrial sector of Uzbekistan through creation of industrial clusters// 2014/2015 Knowledge sharing program with Uzbekistan/ 2015г. с.26-86 (08.00.03; №6).

10. Каримов С.М. Развитие легкой промышленности на основе кластерных инициатив // Материалы VII Форум экономистов «Основные направления дальнейшей модернизации и повышения конкурентоспособности национальной экономики» с.2015 244-253 (08.00.03; №10).

11. Каримов С.М. Korea's textile industry development experience and its implication a textile industry strategy in Uzbekistan //2015/2016 Knowledge sharing program with Uzbekistan/ 2016г. с.142-195.

12. Каримов С.М. Формирования кластера в легкой промышленности Узбекистана// Рынок, деньги и кредит, 2016, № 1. с.12-18.

13. Каримов С.М. Перспективные направления наращивания экспортного потенциала легкой промышленности// Рынок, деньги и кредит, 2017, № 10. с.45-49.

14. Каримов С.М. Производство текстильных изделий, одежды и кожаной продукции: зарубежный опыт // Рынок, деньги и кредит, 2018, № 5. с.52-57.

15. Каримов С.М. Подготовка квалифицированных кадров: важный фактор дальнейшего развития промышленности// Материалы Форума молодых ученых-экономистов. Т.: ВАКТРИАПРЕСС, 2012. .с.288-295.

Автореферат «Тошкент давлат техника университети» нашриёти  
тахририяида тахрирдан ўтказилди (06.06.2020 йил).

Босишга рухсат этилди: 09.06.2020 йил.  
Бичими 60x84 1/16. «Times New Roman»  
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 3,7. Адади: 100. Буюртма: № 8.

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти,  
100000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 60А.

“HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO‘JIZASI” МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
100000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 60А.